



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (13.615)

Баҳоси эркин нарҳда

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим!
Қадрли устоз ва мураббийлар!
Барчангизни футбол бўйича Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг финал ўйинида ғоят оғир ва нокулай об-ҳаво шароитида том маънода матонат ва жасорат намунасини намойён этиб, ғолибликни қўлга киритганингиз билан ўз номимдан, кўп миллатли халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Сизлар қўлга киритган мислсиз бу ғалаба бутун халқимизга чексиз қувонч бағишлаб, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Бу улкан зафар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни мардлик ва матонат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшади.

Эл-юртимиз сизлар каби мард ва жа-

сур, фидойи ўғлонлари билан, юртимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари билан фахрланади.

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сўхат-саломатлик, куч-ғайрат, жонажон Ўзбекистонимизнинг шон-шухратини дунёга тараннум этишда доимо ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҒАЛАБА МУБОРАК, ЁШ ЧЕМПИОНЛАР!



Жорий йилнинг 9-27 январь кунлари Хитойда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси олтин медални қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида бўлиб ўтган ғолиб спортчиларимизни шарафлашга бағишланган маросимда Ўзбекистон футбол ассоциацияси раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, яқинлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган доимий эътибор бугун янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрланиши ва муносиб иштирок этиши, терма жамоаларни янги истеъодлар билан бойитишда муҳим омил бўлаётир.

Ёш футболчиларимиз Осиё чемпионатида эришган юксак ғалаба ҳам ана шундай улкан ислохотлар, эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижасидир.

Осиё чемпионатида китъамизнинг ўн олти давлатидан терма жамоалар ғолиблик учун баҳс олиб борди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари халқаро спорт жамоатчилигига ўз имкониятларини кўрсатди, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган не-не улуг зотларнинг муносиб ворислари, Ўзбекистондек буюк юртининг муносиб фарзандлари эканини исботлади.

Аслида бутун дунёда катта қизиқиш билан томоша қилинадиган миллионлар ўйини ҳисобланган футбол бўйича ҳар қандай нуфузли мусобақада юқори натижага эришиш осон эмас. Ўзбек футбол тарихида ҳам бундай юқори натижалар ҳар йили ҳам қайд этилавермайд.

Ўзбекистон футболчилари 1994 йил Хиросимада ўтган Осиё ўйинларида ва 2011 йил Эронда ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ғолибликни қўлга киритган эди.

Осиё футбол конфедерацияси томонидан Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатининг кескин ва муросасиз баҳсларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари шижоату матонатда, истеъдоду маҳоратда рақибларидан ҳар томонлама устун эканини исботлаб, ҳақиқ ғалабага эришди.

Футболчиларимиз "А" гуруҳидаги биринчи учрашувда қатарлик тенгдошларига имкониятни бой берган бўлса-да, кейинги баҳсларда Хитой ва Уммон ёшлар терма жамоаларини мағлубиятга уратди. Чорак финалда Япония ёшларини 4:0, ярим финалда Жанубий Корея вакиллари 4:1 ҳисобида енгди.

Мусобақанинг оғир об-ҳаво шароитида ўтган финал баҳсида футболчиларимиз Вьетнам ёшлар терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида зафар қучиб, Осиё

чемпиони бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси Одилжон Ҳамробеков ОФК томонидан мусобақанинг энг фойдали футболчиси, деб топилди. Унга "Toyota" компанияси томонидан 20 000 АҚШ доллари миқдорда мукофот берилди.

Ёш футболчиларимизнинг тарихий ғалабаси халқимизга улкан қувонч ва шодлик бахш этганини, уларнинг қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдириб юбганини ҳис этиш қийин эмас. Бутун халқимиз бу ғалабани катта ҳаяжон ва хурсандчилик билан қарши олди.

Ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик, – дейди Акмалжон Мадвалиев. – Очиги, ушбу нуфузли мусобақада юксак муваффақиятга эришган футболчиларимизга жуда ҳавасим келди. Уларнинг оламшумул ғалабаси биз, ёшларнинг ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаб, янги-янги марралар сари дадил қадам ташлашимизда кўтаринки руҳ бағишламоқда.

..Мана, орзиқиб қутилган дамлар – футболчиларимиз пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасига кириб келмоқда. Карнай-сурнай садолари ёшларнинг "Ўзбекистон!" деган такрор ва такрор ҳайқирғига улашиб кетади. Уларни ҳаяжон билан ота-оналари, яқинлари, тенгдошлари қизгин табрикламоқда. Қалбларимиздан чексиз гурур ва ифтихорга йўғрилган самимий дил изҳорларимиз, эзгу тилақларимиз беихтиёр тилимизга, кўзимизга кўчади: "Ғалаба му-

борақ, ёш чемпионлар! Сизлар бутун дунёга Ўзбекистон ёшларининг юксак салоҳиятини намойён қилдинглар!"

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев бизни ғалабамиз билан табриқлаганидан қувониб, қалбимиз фаҳрга тўлди, – дейди ёш футболчи Рустамжон Ашурматов. – Президентимизнинг юксак эътиборини, самимий дил сўзларини ўқиб, кўзимизга ёш келди. Келгусида бундан-да улкан ғалабаларни қўлга киритишга бор куч-ғайратимиз билан ҳаракат қиламиз.

– Эришилган ғалабага қўшилган ҳисса жамоамизнинг ҳар бир аъзосига фахрлиниш туйғуларини бағишламоқда, – дейди Забиҳилло Ўринбоев. – Халқаро майдонлардаги ғалабаларимиз мамлакатимизда ёшларнинг футбол билан шуғулланиши, иқтисодини намойён этиши учун яратилган кенг имкониятлар тўғрисида.

– Осиё чемпионатининг финал учрашувда ҳал қилувчи голни урганимдан, халқимиз ва терма жамоамизнинг ғалабасига ҳисса қўшганимдан бахтиёрман, – дейди Андрей Сидоров. – Бу чемпионатда биз муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек футболчилари ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини яна бир қарра исботлади.

Терма жамоамиз аъзоларига Президентимиз совғаси – "Malibu" автомобиллари топширилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Арипов сўзга чиқди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг раиси Қ.Қуронбоев иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
Жавохир ТОШЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

"THE WALL STREET JOURNAL":

"АФГОНИСТОННИНГ ТИНЧ-ОСОЙИШТА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ"

Жорий йилнинг март ойида Тошкентда "Афғонистон – тинч келажак сари йўл" халқаро вазирлар конференциясини ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон ва Афғонистон ташаббуси Америкада нашр этиладиган нуфузли "The Wall Street Journal" газетасида босилиб чиққан мақоланинг мавзуси бўлди.

Мақола муаллифи Лукас Альпертнинг қайд этишича, замонавий Ўзбекистон афғон муаммосининг ҳал қилинишида борган сари фаол иштирок этмоқда. "Тошкент ҳарбий ҳаракатларга барҳам берилиши бутун минтақада антитеррор сазй-ҳаракатларининг калити саналади, деб ҳисоблайди.

Конференцияда Афғонистон билан қўшни мамлакатлар, шунингдек, Хитой ҳамда АҚШ, Россия ва бошқа йирик давлатлар вакиллари иштирок этиши ку-

тилмоқда. Улар афғон инқирозини тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ҳал қилиш имкониятларини муҳокама этишади".

"The Wall Street Journal" Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир Абдулазиз Комилловнинг Афғонистонда қирқ йилдан буюн давом этаётган уруш бутун минтақага ўзининг беқарорлаштириш таъсирини ўтказётгани ҳақида билдирган фикрларини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилган. Бу муаммонинг бартараф

этилиши катта ҳудудда ҳавфсизлик ҳамда барқарорликнинг таъминланишига кўмаклашади. Тошкент форуми ўтган йили бошланган "Қобул жараёни"нинг иккинчи босқичи бўлади.

Америкалик журналист Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги раҳбари ва АҚШ Президентининг миллий ҳавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Герберт Макмастер ўртасида яқинда бўлиб ўтган учрашув чоғида мазкур ташаббуснинг тафсилотлари муҳокама этилганини ҳам эслатиб ўтган. Ўзбекистон томонининг Афғонистон бўйича қарашлари БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича муҳокамалари чоғида ҳам тилга олинди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги янги тамойилларга баҳо берар экан, Лукас Альперт минтақадаги қўшнилар билан ўзаро алоқалар сезиларли даражада яхшиланганини ҳам қаламга олган. Чегаралардаги ўтиш пунктларида ишлар қайтадан йўлга қўйилгани, Тошкент ҳамда қўшни мамлакатлар пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари тиклангани, трансчегаравий савдо-сотиқнинг кенгайгани муҳим ўзгаришлар қаторида санаб ўтилган. Мақолада экстремизмга қарши кураш халқаро ташкилотлар доирасида ҳам янги тўртки олгани қайд этилган.

"Жаҳон" АА



Мамлакатимизда

• Жиззах вилояти ҳокимлигида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллиги олдидан унинг серқирра ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этишга бағишланган китоблар тақдими ўтказилди.

• Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ҳокимлиги, "Урганч китоб маркази" маънавий-маърифий савдо мажмуаси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Китоб – энг яхши совға" дея номланган тадбирда шoir-ёзувчилар, вилоятдаги умумтаълим мактаблари директорлари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Термизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан "Фидойинг бўлғимиз, сени Ўзбекистон!" шiori остида ташкил этилган "Ёш рассомлар" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбир доирасида вилоят ёш рассом ва хунармандларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

• Наманганда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини янада ривожлантириш масаласига бағишланган семинар ва "Очик эшиклар куни" тадбири бўлиб ўтди. Наманган вилояти маданият бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Наманган шаҳар бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари раҳбарлари, таълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, талаба ва ўқувчилар, бадий ҳаваскорлик жамоалари вакиллари иштирок этди.

Жаҳонда

• Чехияда бўлиб ўтган сайловларда Милош Земан мамлакат президенти этиб қайта сайланди. Янги президентнинг инаугурация маросими 8 март куни бўлиб ўтди.

• Қозоғистоннинг айрим вилоятларида жуда кучли совуқ ҳарорати туфайли мактаблардаги дарслар бекор қилинди. Жумладан, Павлодардаги мактабларда ва коллежларда таҳсил олаётган биринчи босқич талабалари учун машғулотлар тўхтатилди. Маълумотларга қараганда, мамлакатнинг айрим ҳудудларида ҳаво ҳарорати 40 даражага пасайган. Бу ҳақда огоҳлантириш эълон қилинди. Минтақада барча йўналишлар бўйича йўллар ёпиб қўйилди.

• Халқаро Футбол федерацияси – ФИФА 2018 йилнинг 14 июнь – 15 июль кунлари Россияда бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳакамлар видеоассистент тизими (ВАР)ни баҳсалаб вазиятларда адолатли ечимга келиш мақсадида қўллашга қарор қилди. Бу ҳақда ФИФАнинг тижорат директори Филип Ле Флок маълум қилди. Таъкидлаш жоизки, Футбол ассоциациялари халқаро кенгаши 2016 йилнинг март ойида ВАР тизимини синовдан ўтказишни маққуллаган бўлиб, ушбу янгилик ўтган йили Конфедерациялар кубоги ҳамда футбол ўртасидаги жаҳон чемпионатида қўлланилди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ, 2018 йил 30 январь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттинчи сессияси ўтказилди.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

– 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да Давлат дастуридан келиб чиқадиган энг муҳим устувор ва долзарб масалалар тўғрисида;

– Тошкент шаҳри ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2017 йилдаги фаолияти юзасидан Тошкент шаҳар прокурорининг ахбороти тўғрисида;

– Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Тошкент шаҳрида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича 2017 йилдаги фаолияти ва 2018 йилдаги вазифалар юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

– Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида;

– Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида;

– Тошкент шаҳар маъмурий судининг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида;

– Тошкент шаҳар иқтисодий судининг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида ва бошқа масалалар.

Кун кеча давлатимиз раҳбари “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонга имзо чекдилар. Ушбу Давлат дастурида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир муҳим масалалар ўрин олган. Дастур 231 банддан иборат бўлиб, Президентимизнинг 2017 йилнинг 22 декабрь кун Олий Мажлисга тақдим этган тарихий Мурожаатномасида келтирилган асосий ғоя ва тақлифлар, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Дастурнинг III йўналишида иқтисодий ва ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларига оид 60 га яқин чора тадбирлар белгиланган. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва тарихий ислохотларни давом эттириш бўйича устувор вазифаларни изчил бажаришга ҳизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, фаол тадбиркор, деганда, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар тушунилади. Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Тадбиркорлик кишиларнинг нафақат даромад манбаини ошириш, балки мамлакат иқтисодиётига янги технологияларни жорий этишга, аҳолини иш билан таъминлашга, давлат бюджетига солиқлар қўллаб, давлат хазинасини тўлдирishга ҳизмат қилади. Бунга мисол сифатида ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилганлигини кўрсатиш мумкин.

Тадбиркорлик билан шўғулланганидан шахс ўз мулкни, даромадини янада кўпайтиришга интилади. Шу маънода ўзининг, оиласининг турмуш фаровонлигини ошириб бориш билан бирга, давлат ва жамият зиммасидаги қўллаб-қувватлаш бажаришда ҳам фаол иштирок этади.

Қолаверса, мулкдор юрда тинчлик ва оқилоланишни сақлаш ва мустақамлаш учун астойдил жон куйдиради. Тадбиркорликнинг ривожланиши ҳуқуқбузарликларнинг ҳам камайишига туртки бўлади. Чунки, одамлар иш билан таъминланса, доимий даромад манбаига эга бўлса, ҳаётдан, давлат ва жамиятдан миннатдор бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбирлар билан айтганда, “тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқайди”.

Хусусий мулк нафақат иқтисодиёт, балки фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади. Мулкдор одамнинг мустақил дунёқараши, позицияси юзага келади, у қарамлик

психологиясида эмас, балки ўзини давлат билан муносабатларда тенг, ҳамкор сифатида кўради ҳамда демократиянинг ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши ва тегишли Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишини ташкил этганидан далолат беради.

тўғрисида”ги Қонун мазмун-моҳиятига тўхталдиган бўлса, қайд этиш жоизки бундай қонун кўпгина ривожланган давлатда мавжуд эмас. Қонун номининг ўзи давлатнинг бу соҳадagi мақсади ва устувор сиёсатини аълоқ ифода қилиб турибди. Мазкур Қонунга асосан хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг микдори ва қиймати чекланмайдиган. Хусусий мулк ҳуқуқи мустақилдир. Давлат хусусий мулкнинг бут сакланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратди.

Бирок, яратилган қонунчилик базаси юртимизда тадбиркорлик қилиш имкониятини яратсада, аммо мамлакатимизда ишбилар-

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тадбиркорлик эркинлиги қаролатганини белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаролатилиши тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатилиши тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Жиноят кодексида умумий мулкка нисбатан таъвоуз қилганили учун жавобгарликлар билан бир қаторда “Тадбиркорлик фаолиятига тўқинилик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар” ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа жиноятлар” деган алоҳида XIII боб киритилди.

Биргина “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаролатилиши

монлиқни кенг қўламад тараққий эттириш учун ҳали айрим тўсиқ ва ғовларни қонунчилик йўли билан бартараф этиш лозим. Бунга биргина мисол сифатида давлатимиз раҳбарининг 2017 йилнинг 22 декабрь кун Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида таъкидланганларидек, божхона тартиб-таомилларининг мураккаблиги тадбиркорликка тўқинилик қилаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 давлат орасида 175-ўринда туради. Божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Бельгияда 1 соат кифоя қилса, Ўзбекистонда 1 ой мuddат сарфланади. Шу муносабат билан божхона кўригини хавфни бошқариш тизими орқали тадбиркорлик субъектларининг ишончилиги даражасига қараб тоғаларга ажратиш ҳамда “яшил” ва “қизил” йўлаклар орқали ўтказиш тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномада барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатилиши, текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтилиши ва унинг назорати Бош прокуратурага юкланиши, бўш турган давлат мулк

ки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишлар давом эттирилиши, Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартиби ўрнатилиб, 2018 йилдан электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилиши ва бошқа бир қатор вазифаларни белгилаб берилди.

Давлат дастурида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашини тугатиш ва тегишли штатларни прокуратура органларига ўтказиш, жиноят ишлари доирасида молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш)нинг мuddати бир ойдан ошмаслиги, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ишлари фақат виллат ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан қўзғатилиши қабилад белгиланганлиги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда мустақам қафолат сифатида ҳизмат қилади.

Бундан ташқари Дастурда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз эътиҳи учун объектлар кураётган янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум мuddатга кечиктириш ҳуқуқини бериш, кичик қорхоналар учун қўшимча қиммат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш, “Миллий логистика портали”ни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини бекор қилиш, берилаштириш, расмийлаштириш мuddатларини қисқартириш, лицензия ва рухсатнома бериш функцияларининг айримларини номарказлаштириш қабилад белгиланди.

Тадбиркорлар ва чет эллик инвесторлар учун мамлакатимизнинг иқтисодий ҳолати-дорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (давлатларнинг кредит рейтингини), Жаҳон банки (Doing Business), Бутунжаҳон иқтисодий форуми (глобал рақобатбардорлиқ индекси), The Economist Intelligence Unit (дунё давлатларида демократия индекси, Иқтисодий эркинлик индекси) ва бошқа халқаро агентликлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юритилаётган ҳисоботлар бўйича соҳаларни яхшилашга қаратилган чоралар қўриш, ҳар бир рейтинг бўйича маълум вазирлик ва идораларни белгилаш ҳамда тегишли “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishiларига, мамлакат иқтисодиётига янги технологияларни жорий этишга, аҳолини иш билан таъминлашга, давлат бюджетининг даромадларини оширишга, фуқаролик жамиятининг шаклланишига ҳизмат қилади.

Нилуфархон САИД-ҒАЗИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди катта эксперти,
юридик фанлари доктори



ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ: ЮКСАК ШАРАФ ВА ФАХР ЭГАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган юрдошларимизга фуқаролик паспортларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда инсонпарварлик ва баргиллик тамойилларига асосланган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, шу маънода бугун Ўзбекистон фуқароси бўлиш катта қувонч ва юксак фахр бағишлаётганини таъкидлади. 2016 йил декабрь ойидан буён Тошкент шаҳрида яшаётган юрдошларимиздан 400 нафарга яқини Ўзбекистон фуқароси, деган юксак шарафга эга бўлди.

Машхура Парманкулова Қозғис-тоннинг Туркистон шаҳрида туғилган. Тошкентга келин бўлиб тушган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида мутахассис бўлиб ишлади.

— Ота-онам билан Тошкентга тез-тез келиб турардик. Тошкентнинг сўлим боғларини, хиёбонларни кезиш, метрода сайр қилиш, меҳмондўст одамлар билан суҳбатлаш менга олам-олам завқ бағишларди, — дейди М.Парманкулова. — Худого шукр, аҳил оилам, фарзанд-

ларим бор. Ўзбекистонда бахтиёр ашяямиз. Бугун янада бахтлиман. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиндим. Кўнглимдаги кемтик тўлди. Бунинг учун Президентимизга минг раҳмат.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни кучга кирган вақтда тақдир тақозоси билан мамлакат ташқарисида бўлган юрдошларимиз, шунингдек, бошқа мамлакатларда туғилиб, тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, шу азиз Ватанимиз тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларга мамлакатимиз фуқаролиги берилиши улар ҳаётини янги мазмун билан бойитиб, қувончга тўлдириди.

Бугун Ўзбекистон фуқароси, деган шарафга эга бўлган юрдошларимиз омилида бир тилак: Юртбошимиз омон, халқимиз турмуши фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларимиз бардавом, баракали бўлсин.

Улғубек АСРОРОВ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси томонидан Президентимизнинг жорий йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 17 январдаги “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШДАГИ МОНОПОЛИЯГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Президентимизнинг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, аҳолининг харид имкониятларини мустақамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадagi мавжуд тизимли муаммоларга барҳам беришга ҳизмат қилади.

Жумладан, истеъмол товарларини республика товар-хом ашё биржаларида сотиш (сотиб олиш)га қўйилган тақиқ бекор қилиниши ва шакар ишлаб чиқарувчилар 2019 йилнинг 1 январига қадар импорт хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳаммалар қисмига қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинаётгани истеъмол маҳсулотлари танқислигининг олдини олади.

Улғуржи савдога лицензия олишда энг кам иш ҳақининг 3 минг 500 бараваридан кам бўлмаган микдорда, шундан пул маблағлари энг кам иш ҳақининг 1 минг 200 бараваридан кам бўлмаган микдорда шакллантирилган устав фонди мавжудлиги ҳақидаги талаб бекор қилиниши озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришдаги монополияга чек қўйди.

Шунингдек, фармонда озиқ-овқат товарлари нархини пасайтириш ва барқарорлаштириш, тадбиркорлик

фаолиятини амалга оширишда сансалорлик ва бюрократияни бартараф этиш, мамлакатимизда ишчанлик муҳитини яхшилаш бўйича асос-лаштирилган тақлифлар кири-тиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, жумладан, аҳамиятга молик озиқ-овқат товарларини экспорт ва импорт қилувчилар, чет эллик инвесторлар ва хорижий ҳамкорлар билан мунтазам очик ва тўғридан-тўғри мулоқотларни ташкил этиш белгиланмоқда. Бу меъёр давлат идоралари, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестор ва харидорлар ўртасида очик ва шаффоф мулоқот майдонини шакллантиради.

Мазкур фармон озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айрим маҳсулот турлари импортнинг монополаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, асоссиз фойда қўришга қўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам мамлакатимизда соғлом рақобат майдонини яратишга ҳизмат қилади. Зотан, амалдаги тизим бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан

етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини импорт қилишда божхона божлари ставкасининг юқорилиги уларнинг тақчиллигини юзага келтирмоқда.

Энергия тежовчи технологияларни жорий қилган қорхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш мuddатларининг қўзилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирмоқда. Шу боис қорда белгиланган вазифалар иқтисодиёт тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот, хом ашё ва материал турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий қорхоналарни қўллаб-қувватлашга ҳизмат қилади.

Айниқса, қарорда белгиланган юқори ликвидли маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этиш, нурода фойдаланиш қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фаолиятини лицензиялашнинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш – тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиради.

Тадбирда қатор қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти ҳам муҳокама қилинди.

Н.НАСРИЕВ,
Ўза мухбири



БУЮК ЙЎЛБОШЧИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Шу кунларда мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ҳам Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н.Йўлдошев буюк давлат арбоби, ўзбек халқининг улғу ва ардоқли фарзанди Ислам Каримовнинг бугунги авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш йўлидаги машаққатли меҳнатлари барчага ибрат ва намуна бўлиши кераклигини таъкидлади. Буюк Йўлбошчимиз тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суруятлар билан ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантирди. У инсон ўзининг серқирра ва сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний қазилалари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарори мустақиллигимиз меъморининг хотирасини абадийлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудлардаги марказий қўчалар, муассасалар, жоме масжидлари, шунингдек, Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройига, Тошкент халқаро аэропортига Ислам Каримов номи берилди. Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Тошкент, Самарқанд шаҳарларида у кишининг маҳобатли хайкаллари қад ростланди. Пойтахтимиздаги Оксарой қароғоҳида Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов музейи ташкил этилди.

Ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд тоғлан сана – 30 январь кун кенг нишонланиб, 2 сентябрь кун Хотира кун сифатида ёд этилади. Олий ўқув юртлари талабалари учун Ислам Каримов номидаги давлат стипендиясини жорий этиш, Биринчи Президентимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли, бадиий фильмлар яратиш, у кишининг сиймоси акс эттирилган махсус почта маркаларини чиқариш вазифалари белгилаб қўйилди.

Тадбирда Ислам Каримов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Биринчи Президентимизнинг залворли ҳаёт йўли, мамлакатимиз тақдирига дахлдор буюк ишлари, миллий тарихимизда қолдирган чуқур изи ҳақида маърузалар тингланди.

Г.САТТОРОВА

“TEXWORLD USA” ХАЛҚАРО ТЎҚИМАЧИЛИК КЎРГАЗМАСИДА

Тўқимачилик маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Нью-Йоркдаги “TexWorld USA” халқаро тўқимачилик кўргазмасида иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз енгил sanoati мутахассислари америкалик шериклар билан икки томонлама ҳамкорликка доир масалалар юзасидан қатор учрашувлар ўтказишди. АҚШ сармоядорлари Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш имкониятлари, жумладан, америкалик харидорлар буюртмасига асосан кийим-кечаклар тайёрлаш истиқболлари билан атрофлича танишди.

Кўргазманинг биринчи кунёқ жаҳон енгил sanoati жаҳ-ҳасидидаги сўнгги тамойиллар мавзуларида бағишланган семинарлар чоғида мамлакатимиз дипломатлари ҳамда Енгил sanoat моллари ишлаб чиқариш (“Ўзбекистонга” Ўзбекистон Давлат уюшмаси вакиллари республикамизда ушбу индустриянинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги маърузалар билан иштирок этдилар. Қайд қилингандек, республикамиз раҳбарияти томонидан соҳани тубдан ислох қилиш, жумладан, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 14 декабрда қабул қилинган “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoatини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларга эришиш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Улар орасида маҳсулотлар сифати бўйича халқаро тизимни қўллаш, соҳага замонавий, шу жумладан, ахборот технологияларини тадбиқ этиш, экспорт географиясини кенгайтириш сингари муҳим масалалар ҳам бор.

Ўзбекистоннинг пахта ишлаб чиқарилишида болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга жалб этишга барҳам бериш борасида эришган муваффақиятлари билан Америка жамоатчилиги ва ишбилармон доираларини яқиндан таништириш мақсадида ушбу мавзуга бағишланган видео материал намойиш этилди. Бу тадбирнинг кўпгина иштирокчиларига Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан ўз муносабатларини қайта кўриб чиқишларига қўмаклашди.

Кўргазманинг Ўзбекистон бўлмаси дунёнинг турли мамлакатларидан келган мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

“Messe Frankfurt” кўргазмасининг ташкилотчи компаниялари президенти Деннис Смит мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ранг-баранг тўқимачилик маҳсулотлари ноёблиги билан қатъий тортинишни қайд этар экан, ўзи бир неча мартаба Ўзбекистонда бўлганини ҳам маълум қилди. Унинг ўз таърибасидан келиб чиққан ҳолда ишонч билан айтишча, нафақат улкан ва истиқболли бозор бўлгани учун, балки бугунги кунга қадар сакланиб қолган миллий тўқимачилик анъаналари боис ҳам хорижий бизнес доиралар ўзбек шериклар билан ҳамкорлик қилишни афзал билишди.

“Жаҳон” АА,
Вашингтон



ЁШЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

Бутунжаҳон қўриқхоналар ва миллий боғлар кўнига бағишлар Яққасар туманидаги 127-мактабда "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро ҳайрия жамоат фонди томонидан "Экология ва ёшлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда "ЭКОСАН" фондининг Сурхондарё вилояти ҳудудий таълимоти директори Шокиржон Жўраев ва фондининг Тошкент шаҳар филиали директори Миркарим Мирсовуров ўқувчиларга дунёдаги бугунги экологик вазият ҳамда табиати асраш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фондининг ижтимоий буюртмаси лойиҳаси доирасида "ЭКОСАН" фонди томонидан тайёрланган, чоп этирилган "Экологик плакатлар тўплами"нинг жамоатчилик асосида ҳаммуаллифи Авазхон Хайдаров плакатларда тасвирланган экологик ҳолатлар, мультэпизод образларни шарҳлаб ўтди.

Қизиқарлиқ, кичик синфларда таълим олаётган ўқувчилар ҳам Ўзбекистон телевидениесининг "Болажон" каналидаги телефильм-

лар ҳақида ҳамда атроф-муҳитни асраш борасида ўз фикрларини билдирдилар.

Тадбир сўнгсига "Табиати асрайлик!" мавзусидаги кўрик-танлов ғолиблари Абдусамат Абдувалиев, Бобур Муродуллоев ва Мубина Икромовалар "ЭКОСАН" фондининг ғажайиб ёрлиғи ва совғалари билан тақдирландилар.

Фонд томонидан дарсларда намоиш этиш учун Орол ҳақидаги "Номии харитага кирмаган саҳро" ҳужжатли фильми тақдим этилди.

Бундай тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлод оғида табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш қиймати турли шаклларида бўлишига, экологик маданиятнинг янада ривожланишига, соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб этишга хизмат қилади.

Гулноза ДЖАЛИЛОВА,
"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бош мутахассиси

КЎЧМАС МУЛКДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шартнома муносабатларини такомиллаштиришни тақозо этди. Шу боис ҳам шартномавий муносабатларни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш муаммолари ҳам келиб чиқди.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар давлатимиз олдидаги долзарб масалалардан биридир. Шулар қаторида, шартнома ҳуқуқи институти, шартнома тузиш ва унга амал қилиш маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш масаласи ҳамда уларнинг қўлланиш соҳасини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳозирги кундаги ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишнинг чора-тадбирларидан биридир.

Шартномалар қаторида мулкка нисбатан текин фойдаланиш шартномаси ҳам муҳим шартномалардан бири ҳисобланади. Текин фойдаланиш шартномаси бўйича бир тараф иккинчи тарафга ашёни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексига мувофиқ уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади, бундан уй-жойни яқин қариндошларга текин фойдаланишга бериш ҳоллари мустасно.

Фуқаролар ўртасида уй-жой-

ни текин фойдаланишга бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши шарт.

Уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасига нисбатан Фуқаролик кодексининг 606-моддасининг иккинчи қисмида, 607-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 609, 610-моддаларида, 612-моддасининг биринчи қисмида, 615-моддасининг биринчи қисмида, учинчи қисмида, 616-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ мулкдан текин фойдаланиш шартномасини тасдиқлаш тартиб-таомиллари белгиланган.

Мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат, текин фойдаланишга берилаётган мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда барча эгаларнинг розилиги, васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулк текин фойдаланишга берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги.

Текин фойдаланишга берилаётган мулк давлат рўйхатидан ўтказиладиган мулк бўлса,

нотариус тизими орқали мазкур мулкнинг бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлигини текшириши лозим.

Кўчмас мулкдан текин фойдаланиш шартномасини тасдиқлашда мазкур йўриқноманинг 136 — 137-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар, яъни мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулк ижарага берилишида ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар талаб этилади.

Мулкдан текин фойдаланиш шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади. Агар мулкдан текин фойдаланишнинг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда, тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулкдан текин фойдаланишга эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулкдан текин фойдаланиш шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгиланган бўлиши мумкин.

Ирода МАҲМУДОВА,
Олмасор тумани 6-сонли ДНН нотариуси

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЮРТ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Халқимизда "Элга хизмат — олий ҳиммат", деган нақл бор. Ушбу ҳикмат узоқ ўтмишдан буён халқ манфаати йўлида хизмат қилишни ўзига олий мақсад қилган ҳақиқий ватанпарварлар мисолида шаклланган.

Ҳаёт йўлини Ватан хизматига чоғлаган қаҳрамонларни бугунги кунда ҳам орамизда кўпалаб учратиш мумкин. Ана шундай қатъиятли инсонлар қаторида божхона хизмати ходими Камал Исмаилов ҳам ўз касбига садоқатли, юрт равнақига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётганлардан биридир. К.Исмаилов 1997 йилдан буён божхона органларида хизмат қилиб келади. Ойлали, 4 нафар фарзандларнинг меҳрибон отаси. Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритиб келаётган қаҳрамонимиз учун 2018 йил ҳаётидаги унутилмас йил бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунки у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 январдаги Фармонида асосан "Жасорат" медали билан мукофотланди.

Самимий ва шу билан бир қаторда қатъиятли ва жасур ватан ўғлини Камал Исмаилов билан суҳбатда бўлар экансиз, у ўз касбининг ҳақиқий фидойиси эканлигига амин бўласиз.

— Дастлаб иш фаолиятимни бошлаган кезларимда божхона соҳаси ҳозиргидек такомиллашмаган бўлса-да, аммо иш қизғин эди. Айниқса, 1996 йил давомида божхона ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида 5 тоннадан ортиқ наркотик моддаларнинг ушлаб қолиниши менда бу соҳага янада катта қизиқиш уйғотди. 1997 йилда божхона хизматига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи мақомининг

берилиши эса тизимнинг янада такомиллашувиغا сабаб бўлди, — дейди суҳбатдошимиз.

У ўз фикрини давом эттирар экан, бугунги кун божхона тизими тубдан ислоҳ этилганлиги, божхоначиларнинг сидқидилдан хизмат олиб бориши учун барча шароитлар мавжудлигини алоҳида айтиб ўтди.

Божхона соҳасида 21 йиллик тажрибага эга Камал Исмаилов бугунги кунгача 30 га яқин шогирдлар, ёш ходимларга мураббийлик қилиб, иш жараёнида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз божхона ходимлари томонидан 2017 йил мобайнида 1 минг 400 га яқин божхона қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, қиймати салкам 59 млрд. 4 млн сўмлик товар моддий бойликларнинг ноқонуний ҳаракатига чек қўйилишида мақолаамиз қаҳрамонининг ҳам ҳиссаси катта. Айниқса, Республикадаги худудига диний экстремизм, терроризм, ақидাপарастлиқни тарғиб қилувчи материалларнинг қириб келиши, тарқатилиши, наркотик ва психотроп моддалар, ўқ отар қурол, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишдаги фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳа, Камал Исмаилов каби масъулиятни чин дилдан англаган, касбига виждонан ёндошган божхоначилар бор экан, давлатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлиги ва оёсайишалиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир қарар амин бўламиз.

Зиёда РАСУЛОВА



ОЛТИН ЮРАКЧА

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган, ота-она қарамогисиз қолган, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳидаги болаларга мажмуавий тиббий-ижтимоий, психологик-педагогик ва ҳуқуқий консултация кўмак кўрсатиб келмоқда.

Марказ фаолиятини бошлагандан буён ғамхўрликка муҳтож 11 мингдан ортиқ бола, жумладан, 10 мингга яқин ногиронлиги бўлган бола ва уларнинг оилаларининг жамиятга интеграциялашуви кўмаклашилди.

Бунда асосан илғор терапевтик методлар, яъни сенсор терапия, эртақ терапияси, мусиқий терапия, Монтессори методикасидан фойдаланилди. Шунингдек, марказда ўқил-қизлар иштирокида мунтазам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Ёшлар иттифоқи Тошкент ша-

ҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган ана шундай тадбирлардан бири "Олтин юракча" деб номланди. Унда болажонлар иттифоқ аъзолари билан биргаликда куй-қўшиқлар, рақслар, сахна кўринишлари ижро этди. Олиб берилган соғломлаштириш машқлари, спорт мусобақалари, турли хил интерактив ўйинлар, айниқса, қизиқарли бўлди. Тадбир сўнгсига ташкилотчилар томонидан болаларга совғалар улашилди.

М.ҚОСИМОВА,
ЎЗА муҳбири

КОМПОЗИТ БАЛЛОН: УЛАР ҲАЁТИМИЗГА ҚАНЧАЛИК ХАВФ СОЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги "Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармогини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичли ўтказиш, ҳамда уларда газ баллон асбоб-ускуналарини ҳавфсиз ишлатишни таъминлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда 2018 йилнинг 1 февралидан эътиборан композит қопламали газ баллонлар ўрнатилган автомобиллардан фойдаланиш тақиқланмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад мазмун-моҳияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Саноттеоконтхназорат" давлат инспекцияси матбуот хизмати котиби Олимжон Жўраев ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Автотранспорт воситаларини экологик тоза ёнғил турлари билан ўз вақтида таъминлаш, автомобиль бензинини улар билан алмаштириш, мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадига 2007 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатга кўра, мамлакатимизда ички бозорни ёқилиш-энергетика ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Нефть, газ ва газ конденсатини қайта ишлаш таъминланмоқда, султирилган газ ишлаб чиқариш қўлаймоқда. Автотранспорт воситаларини султирилган газга сиқилган газга ўтказиш комплекс чора-тадбирлари амалга оширилмоқда ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича кенг тармоқли инфратузилма ташкил этилди.

Айнан шу мақсадларда тадбиркорлар томонидан юртимизга чет мамлакатлардан турли автомобил газ баллон ва ускуналари олиб келинди. Жумладан, усти композит (скотч) қопламали баллонлар Хитойдан келтирилган. Очигина қайташ керак, мамлакатимизда ўша даврда бундай баллонларни текшириш ва синаш стандартлари мавжуд эмас эди. Шу боис, бу баллонларга уларни ишлаб чиқарган заводлардан олинган синон натижаси асосида сертификатлар берилган.

Кейинчалик бундай баллонлардан фойдаланишда ноҳус ҳодисалар рўй бера бошлади. Мавжуд маълумотларга қараганда, ўтган вақт давомида 55 композит қопламали газ баллонининг портлаши натижасида 23 фуқаро тан жароҳати олган, 41 юрдошимиз ҳалок бўлган. Афсуски, бу каби аянчали ҳодисаларни қўра билла туриб ҳам юрдошларимиз ҳамон бундай баллонлардан фойдаланиб келмоқда. Яқинда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ана шундай баллон портлаши натижасида 2 (улардан бири ёш бола) йўловчи нобуд бўлди, 6 фуқаро жароҳатланди.

Бундай ҳодисаларга мустаҳкамлик даражаси паст бўлган композит қопламали газ баллонлар, баллонларга ортиқча босимда газ қуйиш, металл газ баллонларини навбатдаги техник синондан ўтказмаслик ёки ўтказилган, деб қалбаки далолатнома расмийлаштиришлар сабаб бўлмоқда.

Тегисли идролар мутахассислари ҳулосасига кўра, композит қопламали баллонлар металл қисмининг сифати ва қалинлиги талабга жавоб бермайди.

Шуларни инобатга олиб, келгусида жамият, атроф-муҳит ва энг муҳими фуқароларимиз соғлиғи ёки ҳаётига етказилиши мумкин бўлган ҳавфнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мамлакатимизда 2018 йилнинг 1 февралидан эътиборан автомобилларда композит қопламали газ баллонлардан фойдаланиш тақиқланади.

Бу, албатта, халқимизнинг ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури доирасида мамлакатимиз олий ўқув юрларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, энг сўнгги русумдаги техник воситалар, компьютер ва офис ускуналари билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан маълум қилишларича, жорий ўқув йилида мамлакатимизнинг 30 та олий ўқув юрти беш мингдан ортиқ шундай моноблокка эга бўлди.

Бундай шахсий компьютерлар ўзига хос ихчамлиги билан ажралиб туради, шунингдек, уларга Wi-Fi сигнални қабул қилувчи мослама ҳамда веб-камера ўрнатилган.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, корхона эҳтиёжи учун Xerox Phaser 6500 DN русумли принтерга 3 комплектидан, 4 хил рангли картридждан (106R2236, 106R2233, 106R2234, 106R2235) етказиб бериш ишлари юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси. Буюртмачи белгиланган ишларни тугатиш муддати: 10 кун. Молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй. Тел.: 244-62-16, 241-77-29. Факс: 239-35-01. E-mail: info@kadastr.uz.

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Тижорат тақлифлари раҳбар имзоси ва корхонанинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

"DIAMOND LINE LOGISTICS" МЧЖ (ИНН 302995636)га тегишли бўлган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Лицензия варақалари №
1. АТ 1931027, АТ 1931034 10 В 721 GA
2. АТ 2073445, АТ 2073548 01 Т 049 SA
3. АТ 2073523, АТ 2073619, АТ 2073652 40 А 959 PA
4. АТ 2073528, АТ 2073624 01 С 367 ZA
5. АТ 2073446 01 Т 477 DA

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" хизмати ДУК томонидан 2009 йил 11 ноябрда ТА 0864048 сон билан Мирсаидов Шухратжон Джурбаевич номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси "Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 81-ўйда жойлашган Абу Райхон Берикий номидан Шарқшунослик институти ер участкасига 2017 йил 28 декабрда берилган Т 50073687-сонли, бино-иншоотига 2017 йил 28 декабрда берилган Т 50311968-сонли Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Футбол

ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ
МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШДИ

Хитойда футбол бўйича 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионати якунига етди.

Кувонарли жиҳати шундаки, ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз финал беллашувида Вьетнам ёшлар терма жамоаси билан куч сынашди ва 120 дақиқа давом этган баҳси 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, биринчи ўринни эгаллади. Якунда олтин медаллар билан тақдирланган ёшлар терма жамоамиз Осиё чемпионати сифатида юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

Вьетнам ёшлар терма жамоаси билан ҳақиқатан ҳам ўртасида китъа чемпионлиги учун кечган баҳс тафсилотида ўтишдан аввал шунинг таъкидлаш жоизки, гуруҳнинг дастлабки ўйинида қатарлик чарм тўп усталари 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган ёшларимиз ҳақида танқидий фикрлар мутахассислар томонидан кўп билдирилди. Аммо Равшан Ҳайдаров бош мураббий сифатида футболчиларимиз қалбига йўл топа олди ва терма жамоамиз қолган барча ўрашувлари кўтаринки, ҳужумкор руҳда ўтказиб, фақат галабалар қозонди. Айтиш жоизки, чорак финалда Япония, ярим финалда Жанубий Корея сингари китъаимизнинг етакчи терма жамоалари йирик 4:0, 4:1 ҳисобларида ҳақиқатан ҳам юртимиз томонидан мағлубиятга учратилди.

Энди финал беллашувидаги рақибимиз Вьетнамга келадиган бўлсак, бу терма жамоа ҳам Осиё чемпионатида пухта тайёргарлик кўрган ва ҳақиқатан ҳам юртимизга олди. Вьетнамликлар мусобақа давомида Австралия, Ироқ, Жанубий Корея каби китъа етакчиларини мағлуб этишнинг учун қурашди ва ҳақиқатан ҳам рақибимизга бош совринни қўлига олиш имкониятини қўлга киритишди.

Ўзбекистон — Вьетнам ёшлар терма жамоалари ўртасидаги финал баҳси олдиндан кўпгина мутахассислару

мухлислар ҳақиқатан ҳам юртимизнинг ғалабасига шубҳа қилишмаганди. Дарҳақиқат, ёшлар терма жамоамиз ўрашув бошиданок устунлики ўз томонларига оғдирганга интилишди, вьетнамликлар дарвозаси томон кўп марта ҳавфли вазиятлар содир этишди. Бу самара берди. 8-дақиқадаёқ Рустам Ашурматов боши билан рақиб дарвозаси томон аниқ зарба йўллаб, ҳисобни очди 1:0. Аммо вьетнамлик чарм тўп усталари ҳам 40-дақиқага келиб, стандарт вазиятни голга айлантиришди. Нгуэн голга муаллифлик қилди. Очигини айтиш керак, ўрашув давомида барибир тўлиқ устунлик ҳақиқатан ҳам юртимиз томонидан бўлди. Бироқ, ўрашувнинг иккинчи бўлимида ҳам томонлар дарвозалар томон гол киритишга уринишмасин, бунинг улдасидан чиқа олишмади. Шу ўринда ўйин қўқонлиги сабаб, ноқулай об-ҳаво шароитида кечганлигини, қалин қор туфайли терма жамоалар сифатли футбол кўрсата олмаганлигини таъкидлаш ўринли. Ўйиннинг асосий вақти дуранг натижа билан якунланганидан кейин терма жамоамиз икки бўлимдан иборат 30 дақиқалик қўшимча беллашува яна куч сынашди. Ана шу қўшимча бўлимлар мурасасиз кечди. Ҳар икки жамоа галаба иштиёқида дарвозалар томон ҳужумлар уюштирди. Бироқ рақибларга нисбатан маҳоратлироқ, тажрибалироқ, иродалироқ бўлган ёшларимиз ўйин якунланишига икки дақиқадан сал камроқ вақт қолганида рақиб дарвозасига йўл топа олишди. Андрей Сидоров гол муаллифи бўлди. Ёшлар терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Одил Ҳамробековнинг эса Осиё чемпионатининг энг яхши футболчиси деб топилганлиги юртимизда



истеъдодли ёшлар кўпайиб бораётганлигидан далолат.

Чемпионатнинг 3-ўрни учун Қатар ҳамда Жанубий Корея терма жамоалари кураш олиб боришди. Ушбу баҳс қатарликларнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади ва якунда қатарликларга учинчи, жанубий корейликларга тўртинчи ўрин насиб этди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, авваллари турли ёшдаги терма жамоаларимиз рақибларига қарши охирига қадар кураша олишмас, асосан бир бўлимда яхши ўйнашар, кейин жисмоний томондан толиқиб қолишарди. Хитойда 23 ёшлар ўртасида 16 та терма жамоа иштирокидаги Осиё чемпионати шунинг кўрсатдики, Равшан Ҳайдаров шогирдлари мусобақада ҳам руҳий, ҳам жисмоний томондан энг етук жамоа бўлиб шаклланиб келаётганликлари исботлашди. Кувончлиси, терма жамоа аъзоларининг кўпчилиги индивидуал маҳорати анча баланд, тезкор ҳамда ақли футбол намойиши эта олгани билан мутахассислару, мухлислар эътиборини тортди. Ниятимиз ана шу ёшлар терма жамоаси тез орада миллий терма жамоа сифатида шаклланиб, мухлисларга янада ёрқин, улкан галабаларни тўхфа этсин.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Ахборот-коммуникация технологиялари

2017 ЙИЛ ОХИРИДАГИ
ИНТЕРНЕТ-ВИРУС
АНИҚЛАНДИ

Компьютер хавфсизлиги соҳасида антивирус дастурий таъминоти ва ечимларини ишлаб чиқувчи халқаро "ESET" компанияси ўтган йилнинг сўнгги ойида мамлакатимиз интернет фойдаланувчилари дуч келган зарарли дастурий таъминот рейтингини тақдим этди.

Компаниядан маълум қилишларича, 2017 йил декабрь ойида "ESET" компанияси томонидан ишлаб чиқилган NOD32 антивирусидан 18 фойздан ортиқ фойдаланувчининг компьютерини зарарли дастурий таъминот билан зарарлашга уриштирилган бўлган. Ўрганишлар асосида Ўзбекистон бўйлаб энг кенг тарқалган ва фаол зарарли дастурий таъминотлар рейтингини тўзди. Унга кўра, глобал ва маҳаллий рейтинг бўйича фойдаланувчининг браузерига унинг рухсатисиз крипто-валюта ҳосил қилувчи "JS/CoinMiner" дастури биринчи ўринни эгаллади. Унинг скриптлари зарарли ва зарарланиш эҳтимоли мавжуд сайтларга ўрнашди олади. Шунингдек, декабрь ойида зарарланган мослама эгаларига талай нуку-

лайликлар келтириб чиқарадиган "Adware.PBot" реклама дастурий таъминотининг фаоллашуви ҳам кузатилган. Юртимиздаги кўплаб фойдаланувчилар "JS/Redirector" троя дастури томонидан зарарланиш уриштирилганга дуч келган. Жиноятчилар ундан фойдаланувчиларни зарарли веб-саҳифаларга йўналтиришда фойдаланади.

Жорий йилда зарарланиш эҳтимолидан қўтилиб қолиш мақсадида "ESET" компанияси шубҳали сайт ва ҳаволаларга эътибор бермаслик, операцион тизим ва турли дастурий маҳсулотларни мунтазам янгилаб туриш ҳамда шахсий компьютер ва мобил телефонларини замонавий антивирус ёрдамида ҳимоя қилишни тавсия этади.

Роман БОНДАРЧУК

БОЛАЖОНЛАР ИЖОДИДА
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МАВЗУСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Иқоо Хираяма халқаро маданият карвон саройида "Ёш авлоднинг энергия ресурсларини тежашга бўлган муносабати" деб номланган танлов-кўргазма ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти ташкилотларида ишлаётган ишчи-ходимларнинг фарзандлари ва ихтисослаштирилган ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган мазкур танловда 4 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёшлар қатнашди.

Ушбу танловдан қўзланган мақсад ёш авлоднинг интеллектуал ва ижодий қобилиятини қўллаб-қувватлаш, маънавий дунёни ва тасаввурини ривожлантириш, уларни табиатни асрашга, энергия ресурсларини тежашга ўргатиш ҳамда янги технологияларни қўллашда билим ва қўникмасини ошириб беришга қаратилган. Шу сабабли танловга тақдим қилинган ишларнинг мавзуси электр энергиясига бағишланган.

— Ҳайбат аъзолари томонидан 250 га яқин ижодий иш кўриб чиқилди, — дейди ҳайбат аъзоси Ю.Тўйчиева. — Болажонлар ҳар бир ишга юксак дид, билим ва ижодий ёндашгани сезилади. Мазкур танловда ижодий ёндашгани сезилади. Мазкур танловда ижодий ёндашгани сезилади.

Ушбу танловдан қўзланган мақсад ёш авлоднинг интеллектуал ва ижодий қобилиятини қўллаб-қувватлаш, маънавий дунёни ва тасаввурини ривожлантириш, уларни табиатни асрашга, энергия ресурсларини тежашга ўргатиш ҳамда янги технологияларни қўллашда билим ва қўникмасини ошириб беришга қаратилган. Шу сабабли танловга тақдим қилинган ишларнинг мавзуси электр энергиясига бағишланган.

— Ҳайбат аъзолари томонидан 250 га яқин ижодий иш кўриб чиқилди, — дейди ҳайбат аъзоси Ю.Тўйчиева. — Болажонлар ҳар бир ишга юксак дид, билим ва ижодий ёндашгани сезилади. Мазкур танловда ижодий ёндашгани сезилади.

Ушбу танловдан қўзланган мақсад ёш авлоднинг интеллектуал ва ижодий қобилиятини қўллаб-қувватлаш, маънавий дунёни ва тасаввурини ривожлантириш, уларни табиатни асрашга, энергия ресурсларини тежашга ўргатиш ҳамда янги технологияларни қўллашда билим ва қўникмасини ошириб беришга қаратилган. Шу сабабли танловга тақдим қилинган ишларнинг мавзуси электр энергиясига бағишланган.

навқирон авлоднинг электр энергиясига бўлган муносабати шакллантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

— Танлов ғолиби бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди ЎЗА муҳбирига Дилором Сайдиллаева. — Бугунги куннинг энг муҳим мавзуси бўйича танлов эълон қилингани биз, ёшларни бефарқ қолдирмайди. Чунки электр энергияси бу борадаги таъминотнинг бурчимиздир. Иккита ишимда бу борадаги таъминотнинг бурчимиздир. Иккита ишимда бу борадаги таъминотнинг бурчимиздир.

Ҳа, бировни ноҳақ айбдор қилиш, айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас.

Ҳа, бировни ноҳақ айбдор қилиш, айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас.

Ҳа, бировни ноҳақ айбдор қилиш, айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас.

Ҳа, бировни ноҳақ айбдор қилиш, айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас.

Ҳа, бировни ноҳақ айбдор қилиш, айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас.

Ҳа, бировни ноҳақ айбдор қилиш, айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас. Айбдорликни жазога тортиш адолатдан эмас.

КОРРУПЦИЯДАН
ҚУТУЛИШ
МУМКИНМИ?

Таниш-билишчилик, бошқа ноқонуний йўллар билан иш битириш каби ҳолатлар борлигини, афсуски, ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз. Мана шундай кўринишлар баъзи соҳаларда ривожланиш ўрнига орқага кетиш, оқсоқлик каби ҳолатлар кузатилишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, коррупция — вайронкор куч, у ижтимоий-иқтисодий тараққиётга мисли қўрилмаган даражада путур етказди. Ижтимоий тенгсизлик чуқурлашди, ҳокимиятга ишонч йўқолади, жамиятда маънавият бузилади ва ҳоказо.

Жаҳон таърибисини шунинг кўрсатадики, агар давлат органлари тизимида коррупцияга қарши ўз вақтида кескин чоралар қўрилмаса, давлат қанчалик ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлмасин, у ижтимоий-иқтисодий инқирозга юз тутди.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари инсон шайни камситадиган, илҳомотлар ғоясини обрўсизлантирадиган иллат — коррупцияга қарши курашишга катта эътибор қаратмоқда.

Коррупциянинг олдини олишнинг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили шунинг кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими яратилган. 2017 йил 3 январь кунини "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳсул қисми нормаларини таҳлил қилиб, шунинг таъкидлаш мумкин, мазкур қонунда коррупция билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун 20 га яқин моддада жавобгарлик белгиланган.

Кодекснинг 210-моддаси, яъни "Пора олиш" жиноятига алоҳида тўхталиб ўтсак. Мазкур ҳолатда ҳар икки тараф, яъни пора олувчи ҳам, пора берувчи ҳам жиноятдан бирдек манфаатдор бўлгани учун ушбу турдаги жиноятларнинг яширинлик даражаси юқори ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, пора олиш билан боғлиқ ҳолатларни, аввало, фош этишда, қолаверса, айбдор шахсларнинг айбини исботлашда катта тўсиқдир.

Шунинг учун олиб, порахўрлик жиноятини очиш ҳамда айбдорларга қонуний чора қўриш, шунингдек, ушбу жиноятларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексининг 211 ва 212-моддалари 4-қисмларида пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг жавобгарликлари оқшатиш шартлари белгиланган.

Ушбу норма мувофиқ, пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс, агар жиноий ҳаракатларини содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса ва чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликлари оқшатилади.

Мамлакатимизда фуқаролар муносабатларини қўриб қилиш ва уларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш жараёнини қатъий тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини буздириган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонаси муносабатларини қўриб қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишнинг муҳим, ўзига хос тизимига айланди. Авваллари одамлар ўз муаммолари раҳбарларга етиб бормаслиги сабабли, уни қилмайдиган ўртага қўйиб хал элган бўлса, эндиликда тўғридан-тўғри раҳбарлар билан мулоқот қилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиши билан бирга, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилиш имконини бермоқда.

Айнан шу йўналишда яна қандай ишларни амалга ошириш зарур? Бунга "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонундан жавоб топиш мумкин. Унга кўра, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарур.

Бу жараёнда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш чора-тадбирларини қўриши, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар қўриши, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб бориши лозим.

Буларни эсга олишдан мақсад қонунлар қозғода қилиб кетмасин. Унинг қоидаларини ҳар биримиз билишимиз ва амалда қўллашга ҳаракат қилишимиз керак. Айниқса, коррупция билан боғлиқ ҳолатларни қўзғатадиган бўлмайлик. Шунда коррупция деган иллатдан бутунлай қутулиш мумкин.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
юридик фанлари номзоди

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

10 метр тезликда эсди. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 0-2 даража совуқ бўлади. Ўзгидрометнинг метеоролог хизмати маълумига кўра, 30 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шифосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 30 январь кунини ҳаво ўзгариш туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиб, қор ёғиши мумкин. Шамош шимол-шарқдан шарққа томон секундида 5-10 метр тезликда эсди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш маъсаладори бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г. 135

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10368 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Топашириш вақти: 15.30

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ